

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**13** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланиш-
даги автомобиль йўллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»
2010 йил 5 августдаги 169-сон қарорига ўзгартириш ва қўшим-
чалар киритиш тўғрисида

Автомобиль йўлларида фойдаланувчилар учун қулайликлар яратиш ҳамда транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2010 йил 5 августдаги 169-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 32-сон, 270-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 30 декабрь,
420-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 30 декабрдаги 420-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги
автомобиль йўллари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»
2010 йил 5 августдаги 169-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3-иловада:

а) «Жиззах вилояти» бўлимида:

7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«	7.	4К230	Жиззах ш. — Учтепа қ.	14	»;
			шоҳобчалар:		
			а) Олмазор қишлоғига	5	
			б) Қўтарма маҳалласига	2	
			Жами шоҳобчалар билан	21	

қуйидаги таҳрирда 62-банд қўшилсин:

«	62.	4Н1252	4Р38 автойўлидан шоҳобчалар:	6	».
			шу жумладан:		
			а) Сайилжойи маҳалласига	3	
			б) Ўратепалик ва Заргарлик маҳаллаларига	3	

«Узунлиги, км» устунининг охири сатридаги «1001» рақами «1009» рақами билан алмаштирилсин;

б) «Узунлиги, км» устунининг охири сатридаги «24606» рақами «24614» рақами билан алмаштирилсин.